

Тўғри йўл янглиш йўлдан айри бўлди



12:00 / 19.01.2019 3947

Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий:

«Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан айри бўлди. Бас (шундай экан), ким шайтон (ва шайтоний фикрлар)ни инкор этиб, Аллоҳга иймон келтирса, демак, у мустаҳкам ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ (уни (иймон калималарини) эшитувчи ва (қилаётган амалларини) билувчидир. Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чорлайди. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлар (бутлар)дир. Уларни (яъни кофирларни) нурдан зулмат сари чақирадилар. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда мангу қолувчилардир».